ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 146 (10.199) / 2004 ЙИЛ 30 ИЮЛЬ

## ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ





Бугунги кунда аёлларимизни жамиятнинг асоси дейишга ҳақлимиз. Зеро, аёл — МУҚАДДАСДИР!

Назаримизда, ҳаттоки унинг яратувчиси бўлмиш табиат ҳам ўз кашфиёти олдида лол бўлиб, таърифлашга ожиздек туюлади. Зеро, аёлни деярли барча улуғ нарсаларга тенглаштириш мумкин. У борлик ифодаси ва тимсолидир!

Агарда тарихга чуқур назар ташлайдиган бўлсак, оилани тебратиш, унинг пойдевори бўлиш, анъаналарни сақлаб қолиш истагида аёл ҳунармандчиликка, ҳаттоки илк бора қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам асос солган. Фарзандига бўлган меҳр, ғамхўрлик уни кўчманчи ҳаётдан бир жойда яшашга ундаган ва шу асосда аёл биринчи доимий яшаш манзиллари пайдо бўлишига ҳам сабабчи бўлган. Демак, инсоният ҳаётига цивилизация кириб келиши бошида ҳам айнан аёл турган десак адашмаган бўламиз.

Балки, шу боисдан ҳам ижодкор халқ — шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, ҳайкалтарошлар ўзларининг энг яхши ижод намуналарини аёл тимсоли билан боғлаши бежиз бўлмаса керак, зеро аёл — бу гўзаллик, поклик рамзидир.

Дарҳақиқат, Ватанни улуғлаб аёл — она сиймоси билан боғлашимизда ҳам буюк фалсафа мужассамлашган, у ҳам бўлса она муқаддасдир. Бу борада Юртбошимиз «аёлни улуғлаб, шу билан бирга биз ўз оиламизни, Ватанимизни улуғлаймиз» деганларида ҳам айнан шу фикрни англаш ва тушуниш мумкин. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Шарқда аёл алоҳида эъзозланган, қадрланган. Онани, умр йўлдоши, опаси ва синглисини қадрлаш бизнинг халқимизнинг ҳам азалий қадриятидир. Ўз навбатида, аёлнинг ўзи ҳам жамиятда муносиб ўрин эгаллашга, ўз куч ва имкониятларини кенг тарғиб этишга, ҳаётни янада фаровон ва чароғон қилишга, севиш ва севилишга интилиши табиийдир. Бу дегани аёллар уларга билдирилган эҳтиромга муносиб бўлишга ҳар доим ҳаракат қилиб келади.

Бу борада, албатта, давлатнинг ўрни алоҳидадир. Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ аёллар манфаатини таъминлаш, уларнинг истеъдоди, ижодий салоҳиятининг намоён этилишида катта ишларга қўл урилди. Ушбу йўналишда аёлнинг мамлакатимиз ҳаётида, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланишида, барча соҳаларда роли ошиб бораётгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Шу ўринда Юртбошимиз ташаббуслари билан давлат ва жамият қурилишида аёллар иштирокини фаоллаштириш мақсадида хотин-қизлар қўмиталари ташкил этилиб, уларга раҳбарлик қилаётган аёлларнинг лавозими турли даражаларда — республика миқёсида бош вазирнинг ўринбосари, жойларда — вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарига тенглаштирилгани ҳам аёлларга билдирилган ишонч ва эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Юртимизда барча жабҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни халқнинг, айниқса аёлларнинг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш — буларнинг бари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Давоми 4-5-бетларда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● ТРАСЕКА лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ТРАСЕКА дастури доирасида Ўзбекистон иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси, республика вазирлик ва идораларининг янги лойиҳалари устида иш олиб бориш масалалари кўриб чиқилди.**

**● Кеча Қашқадарё вилоятида «Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида минтақавий семинар-тренинг ўтказилди.**

**● Жиззах вилоят хотин-қизларининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.**

**● Мустақилликнинг кутлуғ 13 йиллиги арафасида Оқдарё туманида шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилади. Ҳозир бу ерда пардозлаш ишлари давом этмоқда.**

**● Экосан халқаро жамғармасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Навоий ва Бухоро вилоятларига юборган «Саломатлик ва мурувват» поезди Тошкентга қайтиб келди.**

**● Урганч шаҳрида «Йилнинг энг яхши касб-ҳунар таълими ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказилди.**

**● Кўрғонтепадаги «Замондош» ва Андижондаги «Бахт» ёшлар маркази биргаликда Германиянинг Фридрих Науман жамғармаси «Либерал» клуби кўмагида «Ёш йигит ўз ҳаётининг хўжайини бўла оладими?» мавзуида халқаро тренинг ўтказди.**

### Жаҳонда

**● БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши агарда ғарбий Дарфур провинциясида зўравонликларга барҳам берилмаса Суданга қарши санкциялар қўллашни кузда тутувчи Америка Қўшма Штатлари томонидан топширилган резолюцияни муҳокама қилмоқда.**

**● Американинг ялпи ички маҳсулоти кўпчилик давлатларникидан юқори ҳисобланувчи Калифорния штати губернатори Арнолд Шварценеггер ва штатнинг қонунчилик мажлиси ниҳоят келгуси йилга мўлжалланган бюджет масаласида келишувга эришишди.**

**● Вьетнамнинг шимолий қисмида парранда гриппи хасталиги қайд этилди. Шу муносабат билан 2000 дан ортиқ паррандалар йўқ қилинди.**

**● Греция Афинада олимпиада ўйинларини ўтказиш вақтида самолётлардан фойдаланилган ҳолда террорчилик ҳаракатларининг уюштирилиши хавфидан муҳофазани таъминлаш мақсадида ҳарбий аэродромларнинг бирига олтита ракета ҳужумига қарши Patriot комплексларини ўрнатди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

**● ТОШКЕНТ** шаҳар «Маҳалла» жамғармасида ўтказилган йиғилиш жорий йилнинг олти ойи мобайнида бажарилган ишлар ва келгуси режалар муҳокамасига бағишланди.

**● МИРЗО** Улуғбек туманидаги Охунбобоев номли маҳаллада Тошкент шаҳар имконияти чекланган болалар «Ёруғлик» маркази ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йилига бағишланган хайрия тадбири уюштирилди.

**● ШАҲРИМИЗДА** қимматбаҳо қоғозлар бизнеси билан шуғулланувчи «Сибанс» ахборот агентлиги фаолият бошлади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**2004 йилнинг 13 июли Ватанимиз спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Унинг бекиёс зафари барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга катта қувонч ва ғурур-ифтихор бахш этмоқда.**

## ЧЕМПИОН БИЛАН УЧРАШУВ



Президентимиз Ислом Каримовнинг халқаро гроссмейстер, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга йўллаган табригида таъкидланганидек, ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу ғалаба тимсолида яна бир бор ёрқин намоён бўлди.

Шахмат бўйича жаҳон тожи соҳиби юртимиз ёшлари билан илк учрашувини ўзи таълим олган билим даргоҳи - пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 90-мактабдан бошлади. Шу муносабат билан бу ерга ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Туроб Жўраев мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидаёқ ёшлар таълим-тарбияси, болалар спортини ривожлантириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади.

Ёшларга ғамхўрлик, уларнинг ўз истеъдодини намоён этиши учун барча шароит яратиб берилаётгани самараси ўлароқ навқирон ватандошларимиз нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда зафар қучмоқда. Рустам Қосимжоновнинг Триполи шаҳрида шахмат бўйича жаҳон чемпионатида эришган улкан муваффақияти бунинг далилидир.

— Ғалаба ўз-ўзидан келмайди, — деди Р.Қосимжонов учрашувда. — Ҳар бир кишининг нафақат билим олиши, балки чин инсоний фазилатлари шаклланишида ҳам мактабнинг ўрни беқиёсдир. Мен мустақиллик туфайлигина шундай ютуққа эришдим. Бунинг учун аввало ёшлар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётган Президентимиз Ислом Каримовдан, менга таълим-тарбия берган ўқитувчи ҳамда мураббийларимдан миннатдорман.

Учрашув ёш шахматчилар учун айниқса қувончли кечди. Улар жаҳон чемпиони билан дона суришга муваффақ бўлдилар. Рустам ўз шахматчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*«Камолот»*

## ЎСМИР-ЁШЛАР ЖИСМОНАН ЧИНИҚМОҚДА

**Айни пайтда барча ўқув юрти талабалари, мактаб ўқувчилари таътилда дам олишмоқда. Уларнинг баъзилари баҳаво оромгоҳларда дам олаётган бўлсалар, яна бирлари ота-она ва оиласига яқиндан ёрдамлашиб оила бюджетига фойда келтиришмоқда. Жисмоний меҳнат билан чиниқаётган ёшларга яна бир қулайлик яратиш йўлида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши «Ёзни «Камолот» билан!» шиори остидаги акцияни ташкил қилди.**

Ҳозирда ушбу лойиҳа асосида шаҳримизнинг барча туманларида кўпма оммавий спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Спортнинг бир қанча турлари бўйича ташкил этилаётган мазкур мусобақаларда ўсмир- ёшлар жисмонан чиниқишмоқда.

— Туманимизнинг «Янги ҳаёт» маҳалласида ўтказилган мусобақаларда 60 нафардан зиёд ёшлар иштирок этишди, — дейди жумладан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов туман бўлими кенгаши қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти раиси Умида Раҳимова. — Қувонарлиси шундаки, мусобақа иштирокчиларининг барчаси спортни жон-дилидан севувчи ёшлардир.

«Ёзни «Камолот» билан!» шиори остидаги спорт мусобақалари Собир Раҳимов туман маҳаллаларида ҳам қизғин тарзда давом этмоқда. Туманнинг Абдували Абдуқаюмов, Мискин, Ғани Аъзамов, Охунбобоев, «Гуручариқ» маҳаллаларида ўтказилган спорт ўйинларида ҳар бир маҳалладан 100 нафарга яқин ўсмирлар иштирок этишди.

— Мусобақалар давомида бизга Тошкент Давлат жисмоний тарбия институти талабалари ҳамда туман сардорлар кенгаши вакиллари яқиндан ёрдамлашишди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Собир Раҳимов туман бўлими кенгаши раиси Мирзоҳид Якубов. — Шунингдек, туманимиз озодалигини таъминлаш мақсадида «Маҳаллам ариқлари» мавзуида ободонлаштириш тадбирлари ҳам ўтказилмоқда. Бундай тадбирларда намунали қатнашган Тахтапул ўрамида, шу ҳудудда жойлашган Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат техника университетининг 10 нафар талабалари бошчилигида ҳар куни тозалаш, ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

**Орзугул РУСТАМОВА**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

## ТАНЛОВНИНГ СЎНГГИ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ

**«Мафтункор ранглар олами» халқаро бадиий кўрик-танловнинг якунловчи босқичи бошланди.**

Қатор йиллардан буён Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Бадиий академия, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, «Ёнграғ» халқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда халқимиз учун энг буюк ва азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни арафасида «Мафтункор ранглар олами» танловини ўтказиб келмоқда.

Юртбошимиз томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган жорий йилда танлов тўққизинчи маротаба ўтказилаётир. Тадбир доирасида болаларни хорижлик етакчи шифокорлар кўрикдан ўтказади, улар керакли даволаш муолажаларини олади, зарурат туғилганда эса таянч-ҳаракатланиш воситалари билан таъминланади. Бундан ташқари болалигидан ногиронлар муаммоларига бағишланган халқаро семинар ҳам ташкил этилади. Унда ушбу муаммоларга оид масалаларни ҳал қилиш батафсил муҳокама этилади. Мамлакатимизда ижтимоий ёрдамга муҳтож одамларга ғамхўрлик кўрсатилмоқда, жисмоний имкониятлари чекланган кишиларни реабилитация қилишга катта эътибор берилиб, уларнинг таълим олиши, касб эгаллаши ва соғлиғини тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан бу борада қатор хайрли тадбирлар ўтказилмоқда. «Мафтункор ранглар олами» болалар расмлари кўрик-танлови бунга ёрқин мисол бўла олади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида танловнинг ҳудудий босқичлари муваффақиятли ўтказилди. Шуниси эътиборлики, танловда нафақат мамлакатимиз, балки бошқа Марказий Осиё давлатлари болалари ҳам ўз расмлари билан иштирок этди.

Кўрик-танловнинг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга. Негаки, у тиббий ёрдамга муҳтож иқтидорли болаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, улар жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига ёрдам беради.

Бу ғалги танлов болалар учун ҳақиқий байрамга айланади. Унинг доирасида мамлакатимиз рассомлари асарларининг кўргазмаси, таниқли мўйқалам усталари билан учрашувлар, эстрада юлдузлари ва ёш ижрочилар иштирокида концертлар ўтказилади. Ғолибларга ташкилотчилар ва ҳомийларнинг совғалари топширилади.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Шарқ машъали» мавзуида кўргазма очилди. У Бадиий академия, Корея Республикасининг юртимиздаги элчихонаси, Корея Халқаро рассомлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

## «ШАРҚ МАШЪАЛИ»

Ўзбек-корейс мусаввирларининг ушбу анъанавий ўн иккинчи кўргазмаси икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, рассомларнинг ўзаро ижодий мулоқотларини янада жонлантириш, маънавий қадриятларни тарғиб этишдек хайрли мақсадларга хизмат қилмоқда.

Кўргазмада кореялик Ким Чуо Жа, Чои Чанг Соок, Лее Со Хунг каби ўттиздан зиёд мусаввир билан бирга Баҳодир Жалолов, Шоира Қўзиева, Собир Раҳметов, Светлана Шин сингари ўзбекистонлик рассомларнинг уч юзга яқин сара асарига кенг ўрин берилган.

Кўргазманинг 4-10 август кунлари Корея Республикасининг бадиий галереялари ҳамда санъат марказларида ҳам намойиш этилиши кўзда тутилган.

Кўргазманинг очилишида Корея Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ким Сонг Хван иштирок этди.

**ЎзА**

*Тақдимот*

## ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

**Кеча шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Ўзбекистон—Корея ахборот технологиялари ўқув марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**





Бугунги кунда бутун дунё тараққиётида бўлганидек Ўзбекистонда ҳам ҳар соҳада янгиланиш, ўсиш суръати илдамлаб бормоқда. Замонавий ахборот технологиялари эса тараққиётнинг муҳим омилидир. Шуларни ҳисобга олган мамлакатимизда ахборот технологияларга ва улардан мақсадли фойдалана оладиган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жанубий Корея билан ҳамкорликда очилган Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари ўқув маркази ана шу йўналишдаги фаолиятга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Марказ замонавий асбоб-ускуна ва компьютерлар билан жиҳозланган. Бу лойиҳа учун 700 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ Жанубий Кореянинг КОИКА халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан ажратилди. Ўқув марказида турли йўналишдаги тайёрлов курслари ташкил этилади.

Марказнинг очилиш маросимида сўз олган Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги Президенти Ким Сок Хён, Кореянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ким Сонг Хван ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаевлар икки давлат ўртасида тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқалари қаторига ахборот-технологиялари соҳаси ҳам қўшилганини таъкидлаб, мустақиллик шарофати билан беғараз ажратилган грант, яқин ҳамкорлик туфайли ўқув марказида юқори малакали кадрлар тайёрланишига ишонч билдирдилар.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Абдулла Орипов иштирок этди.

**Шоҳида МАҲМУДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон-Корея ахборот-технологиялари ўқув марказининг очилиш маросимидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Мушоҳада*

## ТАЛАБА БЎЛИШ ОСОНМИ...

**Одамзот яралибдики фақат олдинга қараб интилади. Яхши яшаш, мазмунли ва фаровон умр кўриш учун елиб югуради. Юксак чўққиларни забт этмоқ, ўз истеъдоди ва иқтидорини юзага чиқариш, амалда қўллаш, эзгулик нурини ён атрофга таратиш учун изланади, интилади ва астойдил меҳнат қилади.**

Айни кунларда қалби орзу-умидларга, юраги энтикиш-у, ҳис-ҳаяжонларга тўла ёшлар борки, уларнинг талпинишу-тилакларини биргина сўз билан таърифлаш мушкул, булар АБИТУРИЕНТЛАРдир.

Кечаги собиқ мактаб ўқувчиси, орзулари осмонга сиғмайдиган, шўхлиги оламга татийдиган, «келажакда ким бўлсам экан» деган фикр билан хаёлот дунёсига минг бора кириб чиқиб, ахири юксак ҳавасни бир олий мақсад қилиб олиб, келажак сари дадил қадам қўйилаётган айни дамда эса, абитуриент номига мушарраф бўлган бўлажак талабалардир.

Бугунги кунда олий ўқув юртлари, коллеж, ва лицейлар ёшлар билан гавжум. Ҳар бир ёшнинг дилида минг бир ҳадик, ҳаяжон ва хавотир. «Ўқишга кириб олармиканман» деган қўрқув ҳисси ҳам улар билан ёнма-ён яшамоқда.

Ўз билимига ишониб албатта кираман деб юрганлари ҳам жуда кўп. Келинг, яхшиси айрим абитуриент қизларимизнинг фикрларини ўзларидан эшитайлик.

● **Шаҳноза ИСМОИЛОВА, 189-мактабнинг 9-синф битирувчиси:**

— Мен келажакда ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Шунинг учун ҳам Тошкент юридик коллежига ҳужжатларимни топширдим. Шу йили ҳуқуқ фани бўйича ўтказилган олимпиаданинг туман босқичида биринчи, шаҳар босқичида иккинчи ўринни олганман. Худо хоҳласа, коллежни тугатиб институтда ўқишни давом эттирмоқчиман. Мақсадим ҳам, орзуим ҳам битта — келажакда одамларни ҳимоя қиладиган, қонунни ҳурмат қиладиган, касбига содиқ ҳуқуқшунос бўлиб халқимизга хизмат қилиш.

● **Нилуфар ҒУЛОМ қизи:**

— Мен ўтган йили 11-синфни тугаллаган эдим, аммо ўқишга кира олмадим. Бунда фақат ўзимни айблайман. Чунки имтиҳонларга астойдил тайёрланмаган эдим. Бу йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг тил ва адабиёт факультетига ҳужжатларимни топширдим. Насиб этса албатта талаба бўламан. Кўпчилик ўз кучининг билан кира олишинг қийин дейишади. Мен фақат ўзимга ва ўз билимимга таянаман. Тажрибасиз ўқитувчи бўлиш мумкин, лекин билимсиз ўқитувчи бўлиши асло мумкин эмас-ку.

Ҳа, Нилуфар ҳақ гап айтди. Агарки абитуриент ўз иродаси ва кучи билимига ишонса албатта талаба деган номга сазовор бўлади: Таниш-билиш, ошна-оғайничилик, югур-югур ва кимгадир илтимос қилишлар нега керак?

Агар инсон бирор нарсани ўз олдига мақсад қилиб қўйса ва шу эзгулик сари интилиб дадил қадам ташласа, албатта ўз ниятига етади. Зеро, ўзига ишониш бир таянч, таянч эса улкан бир қанот ва бардош. Эътиқод нурли бир манзил, ният эса ҳамиша одамга йўлдош.

Ниятларингиз самимий, қадамларингиз қутлуғ, орзуларингиз ва интилишларингиз муроди ҳосил бўлсин азиз абитуриентлар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## Сўранг, жавоб берамиз

**«Керакли тошнинг оғири йўқ», деган нақлга амал қилиб хонадонларимизни хусусийлаштириб олдик. Бизда қандай ҳуқуқ ва имкониятлар пайдо бўлади?**

**Ё. Ҳаққулов, археолог.**

Хонадонни хусусийлаштиргандан сўнг сиз уй-жой мулкдорига айландингиз, демак сиз нафақат ундан фойдаланиш, балки уйни сотиш, ижарага бериш, совға қилиш, мерос қолдириш ҳуқуқларига, яъни уни тасарруф этиш имкониятига эга бўлдингиз. Мазкур ҳуқуқлар билан бирга зиммангизга ўз ҳисобингиздан хонадонни зарурий техник ва санитария ҳолатида сақлаш мажбурияти ҳам юкланди. Хонадон мулкдорига айланганингиздан кейин сиз Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, айни пайтда ўзингиз истиқомат қилаётган уйнинг умумий мулкига шерикдош ҳам бўлдингиз.

Демак, мулкдорлар умумий мулкдан биргаликда фойдаланиши, бошқариши ҳамда қонунчиликда белгиланган доирада тасарруф этиши мумкин.

* * *

**Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсга нафақа тайинлаш қандай усулда амалга оширилади?**

Васий ва ҳомий ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахсга таъминот беришга мажбур эмас.

Васий ва ҳомийнинг ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти учун қилган харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур шахснинг маблағи ҳисобидан қопланади, бу маблағ етарли бўлмаган тақдирда эса, унинг таъминоти учун васийлик ва ҳомийлик органлари нафақа тайинлайди.

* * *

**Қандли диабет касалдан жуда кўп одамлар азият чекадилар. Ушбу касалликнинг олдини олиш ва уни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳақида билмоқчи эдик.**

**Ш.Абдувоҳидова, А.Баҳриева, уй бекалари.**

Ошқозон ости бези одам танасидаги энг йирик безлардан бўлиб, ошқозоннинг орқасида, қорин деворининг ёнида жойлашган. У ташқи ва ички шира ишлаб чиқаради.

Бу шира ҳазм қилиш жараёнида ажралади. Шу билан бирга унинг ферментлари ичак шираси билан бирга ёғ, оқсил ва углеводларни ҳазм қилишга ҳам хизмат қилади.

Ошқозон ости бези гормони жигардаги ёғ алмашинувини бошқаради. Безнинг нормал ишлаши таъминланмаса, қандли диабет касаллиги келиб чиқади. Ошқозон ости бези В витаминига муҳтож. Уларнинг таъсирида инсулин ишлаб чиқарилади. Сут ва таркибида оқсил моддалар кўп бўлган маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш керак.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

# ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТНИ ТИКЛАШ УЧУН

**Варшавада архив манбаларни ўрганиш бўйича Ўзбекистон—Польша комиссиясининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Учрашув доирасида Ўзбекистон томони Польша ҳукуматига собиқ совет тузуми даврида қатағон қилинган 600 дан зиёд поляк фуқароларига оид архив ҳужжатларни топширди.**

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўтган йили июль ойида Польшага қилган расмий ташрифи чоғида Польша Президенти А.Квасьневскийга иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган полякларнинг ҳаётига оид архив манбаларни тақдим этган эди. Польша Президенти бундай ҳиммат намунаси шубҳасиз полякларнинг ўзбек халқига бўлган юксак ҳурмати ва ишончи янада ортишига хизмат қилажагини таъкидлади. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги учрашув чоғида архив ҳужжатларни ўрганиш бўйича қўшма комиссия тузишга қарор қилинди.

Тарихий ҳужжатларни топшириш маросимида Польша президенти маслаҳатчиси А.Майковский поляк халқи тарихидаги фожиали даврни ўрганиш борасидаги олижаноб саъй-ҳаракатлари учун А.Квасьневскийнинг Ўзбекистон Президентига билдирган самимий миннатдорлигини етказди.

Ўзбекистон туҳфаси Польша жамоатчилигида кенг акс-садо уйғотди. Чунончи, "Газета Выборча" газетаси "НКВД жилдлари тақдим этилди" мақоласида Давлат архиви директори Д.Налэнчнинг қуйидаги сўзларини келтиради: "Биз ўттизинчи йилларда Иттифоқ фуқароларига бўлган сталинча муносабатни билар эдик, аммо ўша вақтдаги аксарият поляк фуқароларининг тақдири ҳамон номаълум эди. Энди польшалик тарихчилар бой тарихий далил-ашёларга эга бўлдилар. Улар орасида, жумладан, қатағон қилинганларнинг шахсий буюмлари, суратлар, эсдалик совғалари, хатлар ва шеърлар бор. Бу ҳужжатлар ёрдамида биз турли даврлар – урушдан сўнг 1920 йилда, 30-йилларда сталинча қирғин ҳамда 1939 йилнинг 17 сентябридан кейинги даврлардаги сиёсий қатағонлик механизмларини чуқурроқ ўрганиш имконига эга бўлдик".

— Биз биринчи маротаба бирор-бир мамлакат ҳукумати томонидан қисқа вақт ичида батафсил архив манбалар тақдим этилганининг шоҳиди бўлмоқдамиз, – дея эътироф этди Польша президенти маслаҳатчиси А.Майковский TVN телеканали орқали сўзлаган нутқида, — Бу ҳужжатлар тарихчилар учун бебаҳо манба бўлиб, 1920-30 йилларда қамоқхоналар ва лагерларга маҳкум этилган поляк фуқаролари тақдирини ойдинлаштиришда катта аҳамиятга эгадир.

**"Жаҳон" АА**





*Интилганга толе ёр*

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

**Ўтган аср охирлари, янги аср бошлари «Агрегат заводи» очиқ акционерлик жамияти жамоаси учун анчайин омадли бўлди. Айни ўша йилларда бу ерда кенг миқёсдаги қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, эскирган дастгоҳ ва ускуналар ўрнига замонавий хорижий линиялар келтирилиб ўрнатилди...**



Ўтган 2003 йилда 700 нафарга яқин жамият аъзолари корхона цехларидаги юксак самарали дастгоҳларни тўлиқ қувватда ишга туширишга муваффақ бўлдилар. Уларнинг ёрдамида 3 миллиард 546 миллион сўмлик маҳсулот: 30 хилдан ортиқ турдаги агрегат ва редукторлар ишлаб чиқаришга эришилди. Бу эса шартномавий режа 102,2 фоизга бажарилганлигини билдиради.

Германия давлатидан келтирилган «Lemken» ҳамда «Дurffirit» етакчи фирмаларининг технологияларида ишлаш учун корхонадан 10 нафар ёшлар Германияга ўқишга юборилди. Улар немисларнинг тажрибаларини ўрганиб қайтгач, корхонада маҳаллий кадрларга иш ўргатдилар.

Эътиборли томони, корхонада меҳнат қилаётган тажрибали мутахассислар, ўз ишининг усталари авваллари Россиядан келтирилган насосларни эндиликда шу ерда ишлаб чиқармоқдалар. Булар «НШ-32», «НШ-50», «НШ-60», «НШ-10» туркумидаги насослар бўлиб, сифати жиҳатидан хорижликларникидан ҳеч ҳам қолишмайди, бунинг устига анча маблағ иқтисод қилинади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, «Агрегат заводи» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Нуритдин Баратовнинг таъкидлашича, корхона жамоасининг бош мақсади рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир.

Шу боисдан корхона тадбиркорлари узоқ йиллардан буён «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси таркибига кирувчи «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбекқишлоқмаш», «Тошқишлоқмаш», «Чирчиққишлоқмаш» каби корхоналар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган.

2003 йилнинг октябрь ойида «Тошқишлоқмаш» заводи «Агрегат заводи» очиқ акционерлик жамияти билан бирлашди. Ўша даврдан бошлаб корхонада «ОВХ-600», «ОШХ-12», «ОВМ-400» каби агрегатлар, чигит экишдан бошлаб, то ҳосил йиғиб олингунга қадар кимёвий



усулда ишлов беришга мўлжалланган 5-6 хилдаги машиналарни тайёрлаш жараёнлари мукаммал ўзлаштирилди.

Ҳозирги кунда 4 та йўналишдаги цехларда, тракторлар учун орқа кўприклар, редукторлар, халқ хўжалиги учун агрегатлар ҳамда бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Булар — уч ғилдиракли болалар велосипедлари, йиғма нарвон, телевизорлар учун таглик каби 10 турдан ортиқ сифатли маҳсулотлардир. Бундан ташқари корхонада ёрдамчи — асбобсозлик, механика-таъмирлаш ҳамда термагалваника цехлари ишлаб турибди.

Корхона ишчи-хизматчиларининг саъй-ҳаракати билан жорий йил охиригача 3 миллиард 800 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб бериш режалаштирилган. I чоракда эса 700 миллион сўмлик буюртма бажарилди. Айни кунларда жамиятда ишлар қизғин кечмоқда, жамоа аъзолари II чоракда 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга астойдил бел боғлаган ҳолда имкониятлардан фойдаланишмоқда.

Ушбу жамият аъзолари унумли меҳнат қилишлари учун қатор қулайликлар яратилган. Ишчи-хизматчиларни уйга элтиш учун транспорт воситаси ажратилган, ошхонада овқатланиш учун талон берилади, корхона яқинида ётоқхона мавжуд. Завод ҳудудидаги тиббиёт-санитария бўлимида малакали шифокорлар жамоадагиларнинг саломатликларини назорат қилиб борадилар. Каттагина, янги жиҳозланган қаҳвахонадан ишчи-хизматчилар тўю маъракаларида шартнома асосида фойдаланишлари мумкин. Ёзги мавсумда шунингдек, Ангрендаги сўлим дам олиш зонаси жамоа аҳлини ўз бағрига чорлайди. Аммо корхонада муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. Ишчи-хизматчиларга иш ҳақи кечиктириб берилмоқда, жамият ҳисобига буюртмачилардан маҳсулотлар учун тўлов ўз муддатларида амалга оширилмаяпти.

Корхона тадбиркорлари изланишда давом этмоқдалар. Улар «Дurffirit»да металлга ишлов бериш, яъни сифатли тоблаш учун юртимизда фаолият юритаётган мини техникалар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга ўзаро манфаатли асосда хизмат кўрсатишни йўлга қўйишни кўзлаб иш юритмоқдалар.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «Агрегат заводи» очиқ акционерлик жамиятида янги дастгоҳ ва ускуналардан самарали фойдаланилмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*«Умумармия ўйинлари-2004»*

# ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР БАҲСИ

**Умумармия ўйинлари ҳарбий-спорт мусобақаси давом этмоқда. Ўн уч жамоага бўлинган ҳарбийлар спортнинг саккиз тури бўйича ғолиблик учун баҳслашмоқда.**

Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубида ўтказилаётган қўл жанги беллашувларида дастлабки натижалар маълум бўлди.

Ўз вазн тоифасида биринчи ўринни Шарқий ҳарбий округ вакиллари оддий аскарлар Бахтиёр Жалолов ҳамда Отабек Эргашев, Жанубий ҳарбий округ лейтенантлари Шерзод Норқобилов, Фурқат Мусинов ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик билим юрти курсанти Жаҳонгир Мамаризаев эгаллади.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик билим юрти полигонида эса енгил атлетика кросси бўйича беллашувлар қизғин паллага кирди.

Саккиз километр масофага югуриш бўйича беллашувларда майдон эгаларининг қўли баланд келди. Маррага курсантлардан Шаҳоб Раҳмонов биринчи, Рафиқ Сахаров иккинчи бўлиб етиб келди.

Енгил атлетика кросси бўйича ўтган беллашувларда биринчи ўринни танкчилар эгаллади. Иккинчи ўринни Жануби-ғарбий ҳарбий округ спортчилари банд этган бўлса, учинчи ўрин Шарқий ҳарбий округ вакилларининг фойдасига ҳал бўлди.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида офицерлар учкураш мусобақасида тўппончадан ўқ отиш бўйича мазкур билим юрти ўқитувчиси, капитан Жаҳонгир Шокиров биринчиликни қўлдан бермади. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондон-муҳандислик билим юрти вакили Ульян Тимофеев иккинчи, катта лейтенант Баҳодир Шерматов учинчи ўринни қўлга киритди.

Эртага офицерлар учкураши бўйича «Умумармия ўйинлари-2004» нинг илк ғолиблари аниқланади.

Шунингдек, футбол бўйича навбатдаги учрашувда Самарқанд олий автомобиль қўмондон-муҳандислик билим юрти жамоасига қарши майдонга тушган Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм футболчилари йирик ҳисобда /5:1/ ўйинни бой берди.

«Умумармия ўйинлари — 2004» давом этмоқда.

Давоми. Боши 1-бетда.

Истеъдодли ва иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг ижтимоий моҳиятини юксалтириш учун барча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Президентининг қарори билан Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилиб, унга асосан 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган қобилиятли қизларнинг энг саралари тақдирланиб келинаётгани ҳам ҳукуматимиз, шахсан Юртбошимизнинг аёлларга, ёш авлодга бўлган ғамхўрлиги тимсолидир. Мана беш йилдирки хотин-қизлар байрами — 8 март олдидан адабиёт, санъат, маданият ва бошқа соҳалар орқали буюк шоиранинг муносиб издошлари бўлишга қарор қилган истеъдод соҳибларининг тантанали равишда мукофотланиши анъанага айланиб қолган. Ва бугунги кунда Зулфия мукофотига сазовор бўлганлар орасида Ойдин Абдуллаева, Наргиза Тўхлиева, Малика Раҳмонбекова, Дилором Бердиева ва Камола Эрматоваларни ғурур ва ифтихор билан тилга оламиз.

Аёлнинг жамиятда энг муҳим ва асосий вазифаси — оилада муносиб бека, меҳрибон она бўлиш, қадр-қиммат, ишонч, муқаддас каби тушунчаларни ўзида мужассамлаштиришдир. Бу ҳақда Президентимизнинг «Халқимиз, миллатимиз тарихида аёлни эъзозлаш, ғамхўрлик қилиш, тақозо этса унинг бахти учун бутун борлиғи билан ўзини қурбон қилиш — ҳақиқий эркаклар учун шараф ҳисобланган», деган сўзлари мамлакатимизда аёлларни ҳурмат қилиш ва улуғлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради. Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуслари билан ҳар бир йилни инсонпарварлик мавзуларига бағишлаш янги анъаналар қаторига киради ва кўпчилик томонидан эътироф этиб келинмоқда. Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Аёллар ва болалар йили, Қарияларни қадрлаш йили, Обод маҳалла йили ва жорий 2004 йил Меҳр ва мурувват йили деб аталишида ўзига яраша рамзий маънолар ётади. Бу йиллар бир-бирига уйғунлашган бўлиб, ягона мақсадни ўз ичига қамраган — инсон манфаатларини таъминлаш, бу дегани асоси аёлнинг мавқеидан иборат бўлган ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш демакдир.

Давлатимиз Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ демократик фуқаролик жамиятини қуриш сари илдамлаб бормоқда. Кучли фуқаролик жамияти қурилишида жамоат ташкилотларининг биринчи ўринга чиқиши тақозо этилади. Бу борада бошқалар қаторида бугунги кунда барча даражаларда ўз тузилмаларига эга бўлган хотин-қизлар қўмиталари фаолияти алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз. Бугунги кунда хотин-қизлар қўмиталарининг бошланғич ташкилотлари барча меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолияти авваламбор аёлларнинг манфаати, ҳақ-ҳуқуқи таъминланишида ҳар томонлама ёрдам бериш, имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга йўналтирилган. Буни эса, дарҳақиқат, кучли фуқаролик жамиятига ўтишда илк бўлсада, ёрқин қадамлар десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Президентининг яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони яна бир бор мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётдаги ролини янада кенгайтиришга йўналтирилган муҳим босқич бўлди.

Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда аҳолининг 52 фоизини аёллар ташкил қилади. Шулардан 43 фоизи халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритса, 90 фоиздан кўпи соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим каби ижтимоий соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, пойтахтимиздаги 40 дан зиёд маҳаллаларни аёллар бошқариб келмоқда.

Аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий роли кенгайиб бориши билан аёл омилига бўлган муносабат ҳар томонлама сифатли равишда ўзгариб бориши табиийдир. Ва бу борада давлатимизнинг аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги сиёсати алоҳида аҳамиятга эгадир. Қолаверса, аёлларнинг ҳуқуқлари мамлакатимизнинг Бош Қонуни — Конституцияда ҳам таъминланган, хусусан эркаклар ва аёллар ҳам нафақат тенг ҳуқуқ ва эркинликларга, балки, уларнинг татбиқ этилишида ҳам, уларнинг таъминланишида ҳам кенг имкониятларга эгадир.

Юқоридагиларнинг бари, шубҳасиз, нафақат аёллар ҳаракатининг фаоллигидан, балки авваламбор мамлакатимизда улар учун барча қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилгани тасдиғидир. Аммо шу билан бирга хотин-қизлар қўмиталари фаолиятига доир тегишли Фармоннинг ижросига бағишланган йиғилишда Президентимиз таъкидлаб ўтганидек ижобий ишлар билан бир қаторда аёллар жамоат ташкилотлари фаолиятида камчиликлар ва хатолар ҳам мавжуд. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, баъзан хотин-қизлар қўмиталарининг тегишли ваколатларга эга бўла туриб, ўз асосий ижтимоий вазифаларини бажариш ўрнига юқори ташкилотларнинг топшириқларини амалга оширишга киришиб кетиш ҳолларининг ҳам гувоҳи бўлиб турибмиз. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, айрим бошланғич ташкилотларнинг раҳбар аёллари ўз фаолиятларини жамоат ташкилоти вакили сифатида эмас, балки давлат муассасаси ходими сифатида олиб бориши сир эмас. Бу эса ўз навбатида аёлларнинг ғоявий-ахлоқий тарбиясида ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шу ерда «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган сўровноманинг айрим рақамларини келтириб ўтсак. Респондентларнинг аксарияти (93,2 фоиз) бирон-бир масала юзасидан аёллар ташкилотларига мурожаат этмаган, демак тегишли тузилмалар фаолияти ҳақида аёллар тўлиқ маълумотга эга эмаслигидан далолат беради. Вазият тақозо этганда аёллар, сўровнома маълумотларига қараганда, асосан маҳалладан мадад олади (24,3 фоиз). Шу боисдан ҳам Президентимиз хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини фаоллаштириш ҳақида сўз юритиб, айнан қуйидан, бошланғич ташкилотлардан ташаббус кўрсатилиши лозим дея таъкидлаб ўтганлари ҳам бежиз эмас. Дарвоқе, шунга ҳам алоҳида урғу бериш керакки, яқинда жойларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияларида, аввалги йилларга қараганда, аёлларнинг фаоллиги анча ошгани, уларнинг хотин-қизлар қўмиталари етакчилари ўрнини ҳақиқий лидер аёллар эгаллаши лозимлигини эътироф этганлари, йиғилишлар танқидий руҳда ўтгани, аёллар муаммоларига, айниқса нафақат оиласи, яқинлари, балки бутун жамиятимизга доғ тушираётган баъзи иродасиз ва эътиқодсиз аёлларнинг ноқобил ҳаракатларига бўлган муносабатда янгича ижодий ёндошувлар зарурлиги таъкидланганлари ҳам юқоридаги фикрларимизга далилдир.

Аёл омилини фаоллаштиришда бевосита аёл иштироки билан боғлиқ муҳитда педагогик таъсирнинг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Президентининг тегишли Фармони билан эндиликда маҳаллалар қошида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича мутахассис вазифаси киритилди. Бу вазифага энг фаол, маърифатли, лидерлик хусусиятларига эга, ўз ортидан кўпчиликни эргаштира олишга қодир, маҳалладошлари орасида обрў-эътиборга эга аёллар сайланиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Дарҳақиқат, аёлларга кўп ҳуқуқ ва имкониятлар берилган. Шу билан бирга уларнинг олдида катта вазифа турибди — айнан шу ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш борасида давлатнинг ишончли вакиллари бўлиб иш юритишлари талаб этилади. Бундай юксак вазифани аёллар тўлиқ амалга оширишларига эса шубҳа йўқ, зеро аёл — барча нарсага қодирдир.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**





*Аёл борки, олам мунаввар*

# ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

**Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси**





*Дилдаги гаплар*

## АЁЛГА БАХТ БЕРИНГ...

**Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб кўп асрлар мобайнида яратиб келинган, биз учун муқаддас бўлган қадриятларимиз тиклана бошланди, ҳукуматимиз томонидан аёл қадрини янада кўтариш, эъзозлаш ва эҳтиром кўрсатиш бош мақсад қилиб қўйилди. Аёлларимизга бўлган ғамхўрлик ва эътибор давлатимизнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, Президентимизнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларга бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Ушбу Фармон қабул қилинганидан сўнг кўпчилик аёллар, қизларнинг қалби яна ҳам фахр-ифтихорга тўлди. Бу ҳақда биз шаҳримизнинг фаол аёллари билан суҳбатлашиб, уларнинг дилдаги гаплари ва фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.**

● **Муҳаррам ЮСУПОВА,**
**«Катта қаъни» маҳалласи хотин-қизлар комиссиясининг раиси, туман олима аёллар уюшмаси раиси:**

— Юртбошимизнинг хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги Фармонлари кўплар қатори «Катта қаъни» маҳалласи хотин-қизлари учун ҳам қалбларга малҳам бўлувчи омил бўлди. Ушбу Фармон барча хотин-қизларнинг дилларига қувонч бахш этди. Маълумки, Фармонда хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раислари олдига улкан вазифаларни бажаришда фаоллик ва масъулият билан ёндошган ҳолда ҳамкорликда иш олиб боришга даъват этилади. Яқингинада шаҳримиз туман хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида иштирок этиб, унда хотин-қизлар, оила муаммоларини бартараф қилиш борасида билдирилган жуда яхши фикрларнинг гувоҳи бўлдим. Ўйлайманки, янги сайланган таркиб аъзолари бундан буён Фармонда ва ҳукуматимизнинг ҳаракат дастурларида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда ҳамкорликда ишга киришса, албатта олий мақсадларга эришамиз.

● **Сания ИБРАГИМОВА,**
**«Картография» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбари:**

— Мустақилликка эришгандан сўнг хотин-қизларимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг фаол иштирокчиларига айланишди. Ҳаётнинг ўзи аёлларимизнинг эркаклар билан тенгма-тенг, баъзан улардан зиёдроқ ишлаши мумкинлигини тасдиқламоқда. Айрим ҳолларда мавжуд муаммоларни аёллargина ҳал қила олади. Шундай экан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишга аёлларимизни кенгроқ жалб қилиш лозим. Лекин шуни унутмаслик керакки, аёл авваламбор она. Аёлларимизни давлат сиёсатининг фаол иштирокчисига айлантириш учун уларга керакли шарт-шароит яратиш зарур деб ўйлайман.

● **Кутби НОСИРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:**

— Оилада моддий неъматларни яратиш эркак кишининг, маънавий неъматларни яратиш эса аёлларнинг зиммасидадир. Шундай экан, аёллар зиммасида катта вазифалар мавжуд. Дунёни гўзалликка буркаган, фарзандлар камоли, оила саришталиги, тинчлиги, бахту саодати учун гўзаллигини, меҳнатини, жонини бағишлашга тайёр турган ҳам мунис, меҳрибон, дилбар аёллардир. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли соҳаларида раҳбар аёллар, олима аёлларнинг, тадбиркорларнинг фаолият юритаётгани, уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораётганлигидан фахрланамиз, албатта. Шу нарса маълумки, ҳеч бир мамлакатда аёлларга бунчалик эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмаган. Шундай экан, аёлларни асранг, авайланг. Чунки аёл билан олам мунаввар, хонадонларимиз файзли ва бахтиёр.

**Она меҳри тенгсиз жаҳонда,**
**Она қуёш таратар зиё.**
**Бир қўлида ухлайди гўдак,**
**Бир қўлида тебратар дунё**

**Дилором ИКРОМОВА ёзиб олди.**

*Назм гулшанида*

## ОНА ҚЎЛЛАРИ

Чўлу тоғ-тошлардан ўтиб кетаман,
Ғамларим ичимга ютиб келаман.
Она сизни соғиниб етиб келаман
Дилидан меҳрлар оқгувчи сойим,
Онажон, қўлингиз мунча мулойим.

Меҳр кутганларим гоҳо отди тош,
Жонимни ўртади тўкилмаган ёш,
Гоҳида ёстиққа тегса ҳамки бош,
Иссиқ бағрингизга етмадим доим,
Онажон, қўлингиз мунча мулойим.

Дуолар қилдингиз, кўпайдим, ундим,
Шўх болам дердингиз, қуйилдим, тиндим.
Йилларнинг беаёв ҳукмига кўндим,
Яхши кунларимни кўринг илойим.
Онажон, қўлингиз мунча мулойим.

Оқ сут ила меҳрингиз этмайин дариғ,
Кўксимни ғамлардан этдингиз фориғ,
Кафтингиз тафтидан пешонам ёруғ,
Бахтимга соғ-омон бўлинг илойим,
Онажон, қўлингиз мунча мулойим.

Бахт бердингиз, бахт топинг биздан илойим,
Шифо берсин дардингизга Худойим,
Бахтимизга кўп йиллар яшанг илойим,
Ғам кўрманг, дард чекманг менинг ҳур ойим,
Онажон, қўлингиз мунча мулойим.

**Ҳакима ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ипакчи» маҳалласи фаоли.**



*Тадбиркорлик*

## ДАРМОНДОРИЛАРИ САҚЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР

**Барча фаслнинг ўз хислати бор. Ёзники эса айниқса, ўзгача. Ғарқ пишаётган мева ва сабзавотларнинг таъмини тотиб, нафақат танангиз яйрайди, балки уларни етиштирган боғбону соҳибкордан дилингизда мамнунлик туясиз.**



Албатта, ана шундай ёз неъматларининг қишда ҳам дастурхонингизда бўлиши саломатлигингизга гаровлиги баробарида, дастурхонингизга файз ҳам бағишлайди. Шуни назарда тутган ҳамда сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлаб, талаблар даражасида қадоқлашга интилаётган тадбиркор Нафиса Тошпўлатова ташкил этган цехда айни пайтда ишлар қизғин паллага кирган. Бирин-кетин пишаётган мева ҳамда турли сабзавотларни ўзлари яратган вакуум-сублимация усули билан қуритиб, бежирим идишлару полиэтилен халтачаларга қадоқлаётган «Она Нафиса» хусусий фирмаси тадбиркорлари ҳозиргача малина, қулупнай, ўрик сингари мевалардан ана шундай сифатли маҳсулотлар турларини тайёрлашга муваффақ бўлишди.

— Энг асосийси эса мева ва сабзавотларнинг кўплаб турларини ўзимизнинг ижарага олган боғимизда етиштираяпмиз, — дейди Нафиса Тошпўлатова. — Албатта, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, харидор талабини қондириш мақсадида деҳқон ва соҳибкорлардан хом ашё сотиб оламиз. Айниқса, қовун, ошқовоқ сингари полиз экинларидан тайёрланаётган, қадоқланишига катта эътибор қаратаётган маҳсулотларимизга Россия ҳамда Украина давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Насиб этса жорий йилда маҳсулотларимизни ана шу қўшни давлатларга экспорт қилиш ниятидамиз. Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида ҳам аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурлар тайёрлаш ва уни амалга ошириш кўзда тутилганлиги мени бениҳоя мамнун этди. Бу албатта, тадбиркор аёлларимиз сафининг ортишида, хотин-қизларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилда изланишлар ўз самарасини бериб маҳсулотнинг янги турларини яратишга катта эътибор қаратилди. Бу бозор ва харидор талабидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш самараси десак асло хато бўлмайди. Нафиса опа ўзи қўзиқорин етиштириб, уни маринадлаш ва вакуум-сублимация йўли билан қуритишни йўлга қўйди. Шунингдек, зираворларни, кўкатларни ҳам қуритиш технологияси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда ўз тадбиркорлиги, тайёрланаётган маҳсулотлари билан элга танилган Нафиса Тошпўлатова янгиликка интилишдан, бозорни ўрганишдан асло чарчамаяпти. Шу билан бирга у ўз изланишлари натижасида тайёрлаган кичик корхоналар учун мўлжалланган қуритиш дастгоҳларини тадбиркорларга тавсия этмоқда. Ушбу замонавий ва қулай дастгоҳлар боғбон ва полизкорларга ниҳоятда қўл келиб, мева ва сабзавотлар исрофгарчилигининг олдини олади.

Тадбиркор аёлнинг шу кунлардаги асосий мақсади ёзнинг ғанимат дақиқаларидан унумли фойдаланиб, қиш фаслида аҳоли дастурхонига 100 фоиз дармондорилари сақланган маҳсулотни тортиқ этиш ҳамда «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан ўз товарларини четга экспорт қилишдир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: тадбиркор Нафиса Тошпўлатова ҳамда оператор Михаил Арушанов қуритишга тайёрланган мевалар сифатини кўздан кечирмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

*Мулоҳаза*

## ҚИЗЛАР ОДОБИ БИЛАН ГЎЗАЛ

**Қадимдан қизлар одоби, кийиниш маданияти тўғрисида жуда кўп гапириб келинади. Мен ҳам эшитганларимнинг мағзини олиб, сиз азизларга айтиб ўтишни лозим топдим.**

Қиз бола ҳаё, ибо, нафосат пардаларига ўралган бўлади. Жамики яхши фазилат дурларини қалб сандиғига асраб, буларни зарур пайтда ишлата билади. Дил дафтаридан фақат бахтга етакловчи ният ва орзуларни, истак ва тилакларни ўқишингиз мумкин. Қиз болани гулга менгзайдилар. Демакки, ҳар бир сўзимиздан инсонлар худди гулнинг ёқимли ифоридан баҳра олган каби хурсанд бўлсинлар. Бизга фақат ҳавас ва меҳр нигоҳлари ила боқсинлар. Қилмоқ бўлган ишларимиз ўзгаларнинг ҳам кўнгил боғини яшнатиш учун хизмат қилсин. Бувижоним менга: «Қизалоғим, агар қиз бола дунёга келса, уйдаги жамики нарсалар: ер, идиш-товоқ, кийим-кечак барча-барчаси бизни ювиб-тозалагувчи, супуриб-артгувчи, авайлаб-асрагувчи инсон туғилди, деб шодмон бўларкан. Чироғим, сен ҳам ана шуларнинг сен туғилгандаги севинчига яраша жавоб бер», — деб ҳамиша уқтирардилар. Бувижонимнинг бу қимматли насиҳати ҳали ҳамон юрагимнинг туб-тубида яшайди. Азиз дугонажон, сиз ҳам инсонлар қалбини чароғон қилиш учун нурли чироқ бўлинг. Кийимингиз — нафосат, рўмолингиз — ҳаё, қуролингиз — ақл, безагингиз — заковат, зирагингиз — меҳр, маржонингиз — садоқат бўлсин. Шоира Муаззам Ибрагимованинг ушбу шеъри сизнинг ҳам шиорингиз бўлсин:

**Бир гул бўлай, сиз**
**узмоққа журъати йўқ,**
**О, у насим еллар**
**билан дардлашаман.**
**Қўл чўзсангиз кўнгилгинам**
**осмондай тўқ,**
**Армонларим баҳорларга**
**алмашаман.**

**Гулруҳбегим**
**САЙФИДДИН қизи**

**Жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланган оилада фарзандлар тарбиясига энг аввало масъул шахс бу онадир. Фарзанди дунёга келмасданоқ меҳр бера олган, у туғилгандан сўнг ҳам бир жонини мингга бўлиб, тунларини тонгга улаб парваришлаган ҳам ўша она, ўша аёл, ўша мўътабар зотдир.**

*Тадбирлар*

## ДАВРА СУҲБАТИ

Оилани кичик бир жамият деб олсак, демак, жамиятнинг фаол шахслари — бу аёллар ҳисобланишади. Бугун қай соҳага қараманг, у хоҳ сиёсат, хоҳ иқтисод, хоҳ маънавият бўлсин, ҳар бир соҳада муваффақиятга эришаётган хотин-қизларни учратишимиз мумкин. Албатта бу жуда қувонарли ва диққатга сазовордир. Аммо шу ўринда ютуқлар билан биргаликда камчиликларимизни ҳам алоҳида эътироф этиб ўтиш зарур.

Маълумки, 2004 йил 25 майда Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони кенг жамоатчиликка эълон қилинган эди.

Юқорида таъкидланган Фармон ижросини таъминлаш юзасидан шаҳримизнинг барча туман хотин-қизлар қўмиталарида ҳисобот-сайлов йиғилишлари куни кеча ўз ниҳоясига етди. Бу борада шунингдек, турли корхона-ташкилотларда ҳам тадбирлар ўтказилмоқда.

Яқинда «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шаҳар бўлимида ҳам «Аёл борки, олам мунаввар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Республика «Оила» маркази директор ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Раҳимов, марказнинг катта илмий ходимаси Маҳбуба Мираҳмедова, Республика Вазирлар Маҳкамаси Диний ишлар бўйича қўмитанинг аёллар шўъбаси бошлиғи Соҳиба Абдуллаева ҳамда шоира Фарида Афрўз иштирокчиларга Фармоннинг мазмун-моҳияти, унинг мақсади, «Аёл ва исломий маърифат», «Аёл ва шеърият» мавзуларида атрофлича сўзлаб беришди. Йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

— Тадбирдан асосий мақсад, аввало кам сонли бўлсада, банкимиз ишчи-ходимларига Юртбошимизнинг шу йил 25 майдаги Фармонларининг моҳиятини тушунтириш ва улар онгига сингдиришдир, — дейди банк маънавият бўлимининг раҳбари Шоҳида Мавлонова. — Энг муҳими, ўтказилган тадбирдан шу нарса маълум бўлдики, иштирокчиларимиз сиёсий жараёнларга бефарқ муносабатда эмаслар ва ўз эркин фикрига эга.



Тадбирда шунингдек, хотин-қизлар қўмитаси раислигига кимлар муносиблиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилди. Давра суҳбати якунида шоира Фарида Афрўз ижод намуналаридан иштирокчиларни баҳраманд этди.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.**

## «02» Ҳодисалар

● **Ҳамза туманининг «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзесида яшовчи О.Салим деган йигитча ушбу мавзе, 1-уй, 28-хонадонда истиқомат қилувчи таниши Т.Ҳамроқуловнинг хонадонига меҳмонга келиб, хаёлига ўрнашган қалтис режасини амалга оширди.**

У танишини қўрқитиб, уйида бўлган 80.000 сўм пули ва умумий баҳоси 260.000 сўмни ташкил этувчи тилла буюмларини тортиб олиб қочиб кетди. Мазкур жиноий ҳолат тўғрисидаги хабар етказилгач, воқеа жойида ҳозир бўлган ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида бу талончининг ҳам йўли тўсилиб, қилмиши фош этилди.

● **Бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бирига айланган гиёвандлик иллатига қарши барча ақли расо кишилар қатъий тарзда курашиб келмокда.**

Аммо шунга қарамай, айрим нопок кимсалар томонидан ана шу «оқ ажал» билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши ҳолатлари учрамоқда. Жумладан, яқиндагина милиция ходимларининг хушёрликлари туфайли қилмиши фош этилган Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида яшовчи А.М. исмли фуқаронинг ёнидан опий моддаси топилиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Тергов жараёнида ушбу шахснинг инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган наркотик моддани қаердан олганлиги ва нима мақсадда шаҳримизга келтирганлиги сабаблари ўрганилмоқда.

● **Кишиларнинг кайфиятига ва ҳаттоки саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи иллатлардан бири, бу — фирибгарликдир. Мазкур «касб»нинг этагидан тутган айрим нопок кимсаларнинг ўйлаб чиқарган найранглари туфайли соддадил фуқаролар ҳам маънавий, ҳам моддий зарар кўриб қоладилар.**

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган Б.Олимбой исмли шахс ҳам енгил йўл билан даромад орттиришни кўзлаб, Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани, Тўқимачилик кўчаси, 77-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Б.Каримовнинг ишончига кириб олган. Уни «Корея давлатига ишлашга боришингизга ёрдам қиламан», деб алдаб, 980.000 сўм пулларини қуртдай санаб олган ва ваъдасининг устидан чиқмай қочиб юрган. Ҳозирда эса, фирибгарнинг қилмиши фош этилиб, тергов ҳаракатлари давом этмокда.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази инспектори.**





**Жаннатмакон юртимизнинг кўркам ва хушманзара гўшалари ҳамшаҳарларимизга доимо завқ бағишлайди.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Жамоа шартномалари — амалда*

# САХОВАТГА ЙЎҒРИЛГАН ҲУЖЖАТ

**«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимидаги бозор акциядорлик жамиятлари жамоа шартномаларининг ҳар сатрию, ҳар бандида меҳр ва саховат тамойиллари ўз аксини топишига эришилган.**

Уюшма бирлашган касаба қўмитаси ҳисобида жами 21 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари мавжуд. 2004 йилда 20 та бозор акциядорлик жамиятларининг барчасида жамоа шартномалари қабул қилиниб, рўйхатдан ўтказилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси белгиланган талаблар асосида фаолият олиб бормоқда.

Маълумки, 2004 йилнинг республикамизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши Касаба уюшма ташкилотлари томонидан ўз ишларига, хусусан, жамоа шартномаларининг амал қилиниши ва бажарилишида янада масъулиятлироқ ёндашувни тақозо этади. Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда уюшма тизимидаги барча бозор акциядорлик жамиятлари меҳнат жамоалари бошқаруви раҳбар ходимлари учун тегишли тавсия ва йўриқномалар бериб борилади. Бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари, иқтисод, кадрлар билан ишлаш ва ҳуқуқий хизмат мутахассислари учун вақти-вақти билан семинар йиғилишлари ташкил этиб туриладади. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан чора ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий йўналишини ижтимоий ҳимояга қаратилган тадбирлар ташкил этади. Мазкур режа асосида касаба уюшма қўмиталари бозор акциядорлик жамиятлари билан ҳамкорликда кенг кўламдаги моддий, маданий-маърифий ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уюшма ҳамда бозор акциядорлик жамиятлари томонидан ишчи – ходимларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида жами 78 миллион 384 минг сўм микдорида пул маблағи сарфланди. Хусусан, иш ҳақига қўшимча сифатида 39 миллион 296 минг сўм, моддий ёрдам учун 17 миллион 616 минг сўм, меҳнат муҳофазаси бўйича 16 миллион 708 минг сўм, спорт ва соғломлаштириш ишларига 4 миллион 762 минг сўм сарфланган бўлиб, бу харажатлар амалдаги жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши бўйича ҳар бир ишчи-ходим учун ўртача 43 минг 421 сўмни ташкил этади.

Шунингдек, Уюшма бирлашган касаба қўмитаси ўз маблағи ҳисобидан уюшма ва бозор акциядорлик жамиятлари ишчи- ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, маданий, маърифий ҳамда спорт соғломлаштириш ишлари учун жами бир миллион 671 минг сўм сарфлади. Ишчи-ходимлардан 26 киши сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларида ўз саломатликларини тиклаб қайтдилар. Ишчи-ходимларимизнинг 23 нафар фарзандлари болалар соғломлаштириш оромгоҳларига юборилди.

Уюшма томонидан шахмат, шашка ва мини-футбол бўйича бозорлараро уюшма биринчилиги турнир мусобақалари ташкил этилди. Ушбу мусобақалар учун 1 миллион 300 минг сўм маблағ сарфланди. Жамоа шартномасининг асосий қисмларидан бири — "Меҳнатга ҳақ тўлаш" бўйича алоҳида назорат ўрнатилган.

2004 йил 1 июль ҳолатига бирорта ҳам бозор акциядорлик жамиятларида иш ҳақидан қарздорлик қолмаган. Барча бозор очиқ акциядорлик жамиятларида жамоа шартномасида белгиланган тартибда иш ҳақлари ҳар ойда икки мартадан бериб борилиши таъминланган.

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимидаги бозор акциядорлик жамиятлари томонидан олиб борилаётган хайрия ишлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Бозор очиқ акциядорлик жамиятларида шаҳримиздаги 6 та Меҳрибонлик уйлари ва 7 та мактаб-интернатларига ҳомийлик қилиш ишлари йўлга қўйилган бўлиб, ҳар бир байрам муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар бириктирилган маълум бозор акциядорлик жамиятлари томонидан ўтказилиб келинмоқда. Биргина ўтган йил давомида ана шу хайрия ишлари учун 68 миллион сўм маблағ сарфланди.

Меҳр ва мурувват йилида бу каби хайрия тадбирлари учун сарфланадиган харажатлар микдорининг янада ортиб бориши кўзда тутилмоқда.

**Адҳамжон ЭРГАШЕВ,**
**«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси бирлашган Касаба уюшма қўмитаси раиси.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

***2004 йил 1 августдан бошлаб Троллейбуслар нархи қисқартирилиши ва йўловчи оқимининг пастлиги сабабли***

№ 3 — «Қорақамиш» 2/4 даҳаси — Малика тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси»

№ 7 — «Дўмбиробод» — Тошкент вокзали»

№ 13 — «Чилонзор 25 мавзе — Тошкент вокзали»

№ 14 — «Зенит заводи — Жанубий вокзал»

№ 25 — «Юнусобод 19 мавзе — Қорақамиш 1/2 даҳаси

йўналишларида қатновчи троллейбуслар рентабелли бўлмаганлиги оқибатида ёпилади.

Ушбу йўналишлардан бўшаган троллейбуслар бошқа йўналишлардаги ишни кучайтириш учун йўналтирилади.

**«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси**

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 63-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Мусаходжаева Лобар Носировна номига берилган VU № 018559 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар «Yangi kitoblar» sho`ba korxonasi тугатилмоқда. Даъволар икки ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент -700129, А. Навоий-30.

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

**ЭЪЛОНЛАР ШАНБА ВА ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.30 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
**МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОН: 133-28-95.ФАКС: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.**

**"ИШЛАБ ТОП!"**

**Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!**

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



TOSHKENT SHAHAR KAMOLOT BO'LIMI



**Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.**

**Қўшимча маълумотларни**

137-72-20, 137-72-21

**телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.**
**Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:**

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

**Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.**

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўрганиб дония бўлур...

## АЁЛЛАР ҲАҚИДА

● Биз ҳамиша қарздор бўлган энг ажойиб зот бор — бу она.

● Жаҳоннинг бутун ғурури оналардан. Қуёшсиз гуллар очилмайди,севгисиз бахт йўқ, аёлсиз муҳаббат йўқ, онасиз шоир ҳам,қаҳрамон ҳам бўлмайди.

● Аёл — буюк сўз. Унда қизлик мусаффолиги,дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассамланган.

● Ердаги барча гўзалликлар аёлга бўлган муҳаббат туфайли юзага келган.

● Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади.

● Деярли ҳар бир аёл севги бобида энг юксак жасоратларга ҳам қодирдир.

● Аёлни инсон сифатида кўриш ва қадрлаш— заруратгина эмас,балки ахлоқли кишиларимизга насиб этиши мумкин бўлган муҳаббатнинг бош шарти ҳамдир.

● Қаерда аёллар,қизлар қаттиққўл,талабчан бўлсалар, ўша ерда ўсмирлар ҳақиқий эркак бўлиб етишадилар.

● Аёлга муносабат— номус,-шарм-ҳаё,одоб, олижанобликнинг энг нозик ўлчови,раҳмдилликни тарбиялашнинг олий мактабидир.

● Аёлнинг сариштаси —
Рўзғорнинг фариштаси.

● Ақлли хотин —
уй кўрки,
Ақлсиз хотин —
кўча кўрки.

● Давлатинг ота-онанг,
Савлатинг ўғил-қизинг.

● Минг игнани йиғнасанг, тугма бўлмас,
Минг аммани
йиғнасанг,
она бўлмас.

● Олис йўлда
от синалар
Оғир кунда — хотин.

● Олтин — кумушнинг эскиси бўлмас,
Ота-онанинг — баҳоси.

● Она билан бола —
Гул билан лола.

● Она — меҳрибон,
ота — ғамгузор.

● Онангни кифтингда
тутсанг,
Синглингни бошингда тут.

● Яхши хотин
жон озиғи,
Ёмон хотин —
бош қозиғи.

● Бола — лой,
она — кулол.

● Одоб бозорда
сотилмас.

● Яхши хотин —
хазина.

● Яхши хотин уй
бўстони,
Ёмон хотин —
зимистони.

● Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир.

● Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа
ано бошиға.

*Футболимиз келажаги*

# ЧИРОЙЛИ ЎЙИН КЎРСАТИШДИ

**Бугунги кунда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари йўлида кўп саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Қатор нуфузли мусобақа ва танловлар соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилмоқда.**



Ҳар йили анъанавий тарзда маҳалла ўсмир ёшлари ўртасида ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» мусобақаларидан ҳам айнан юқоридаги эзгу ниятлар кўзланган. Маҳаллалардаги асосан 11-12, 13-14, 15-16 ёшли ўсмирлар учун мўлжалланган ушбу мусобақалар ҳар йили ниҳоятда уюшқоқлик ва кўтаринкиликда ўтказилиб келинмоқда. Тобора мухлислари ва қатнашчилари ортиб бораётган «миллионлар ўйини» ҳисобланган футболнинг ривожланиши эса асосий мақсадлардан биридир.



Куни кеча ушбу мусобақанинг 15-16 ёшлилар ўртасидаги шаҳар босқичи мусобақалари «Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтди. Унда туманлар ўртасида ғолибликни қўлга киритган икки жамоа — Чилонзор туманининг «Шарқ» ва Шайхонтоҳур туманининг «Белтепа» командалари ўзаро куч синашдилар.

— Ушбу мусобақанинг ўтказилишидан асосий мақсад маҳалла болалари ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бўш вақтдан унумли фойдаланишга қаратилган, — дейди биз билан суҳбатда ушбу турнирнинг ташкилий қўмитаси масъул котиби Ҳайдарали Қораболаев.

Мусобақалар шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Камолот» ЁИҲ ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар бўлимлари каби қатор корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилади.

Финал баҳсига келсак, ўйин ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз бўлди. Иккала туман мактабларидан келган спортсевар ёшлар давомли қарсак ва ҳайқириқлар билан ўз жамоаларини қўллаб-қувватлаб турдилар. Ҳар бир иштирокчи ўз имкониятларини ишга солиб ғалаба учун ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилди. Чиройли ўйин кўрсатган Чилонзор туманининг «Шарқ» жамоаси ҳал қилувчи 11 метрлик жарима тўплари тепиш баҳсида олдинга ўтиб ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

— Маҳалламиз жамоаси ниҳоятда чиройли ўйин кўрсатишди, — дейди ғалабадан руҳи кўтарилган, ҳамиша футболчи ёшларга шарт-шароит яратиб беришга интилиб келаётган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аъзам Маҳмудов. — Насиб этса Республикада ҳам ғолиб бўлиб қайтамиз. Ҳал қилувчи босқичда бизнинг яна 13-14 ёш тоифасидаги жамоамиз ҳам қатнашади. Омад ёр бўлишини тилаб турибмиз..

Биз ҳам майдонда чиройли ўйин кўрсатиб, фақат ғалаба учун ҳамжиҳатликда тўп сураётган «Шарқ» жамоасига кейинги босқичда ҳам зафар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Дарвоқе, ғолиб ва қатнашчилар кўчма кубок, эсдалик совғалари, футбол тўплари, чемпионлик нишони билан тақдирланганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: 15-16 ёшлилар ўртасидаги финал баҳси иштирокчилари.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Бўш вақтингизда*

## БОШҚОТИРМА

**Жавоблар қаторлар ва устунлар бўйича «занжир» ҳолида ёзилади**

**Бўйига:** 1. Осиё жанубидаги давлат. 2. Аланга. 3. Урф. 4. Иртиш дарёси бўйидаги порт шаҳар. 5. Венгер композитори. 6. Бирор мақсад учун харажат, чиқим. 7. Панд-насиҳат, ўгит. 8. Субҳидам. 9. Пул ва қимматбаҳо қоғознинг давлат томонидан белгиланадиган қиймати. 10. Иморат лойиҳаси. 11. Америка автомобиль монополияси. 12. Космик кема. 13. Ҳинд дарёси. 14. Қадимий қишлоқ хўжалиги асбоби. 15. Дунё океани. 16. Қўшиқ тури. 17. Дори ўлчови. 18. Ҳузур. 19. Мусиқа асбоби. 20. «Робинзон Крузо» романи муаллифи.

**Энига:** 1. Рақамли соққалар билан ўйналадиган ўйин. 2. Европа давлати пойтахти. 3. Ютуқ ҳисоби. 4. Чорвадорлар манзилгоҳи. 6. Игна баргли доим яшил — жануб дарахти. 7. Электр қувватининг ўлчов бирлиги. 8. Ҳарбий техника. 9. Спорт майдони. 11. Кўрк. 12. Металлнинг сув ёки ҳаво таъсирида емирилишидан ҳосил бўлувчи қатлам. 13. Пиширилиб кукун ҳолида ишлатиладиган маъдан. 14. Томонларнинг расмий келишув ҳужжати. 16. Электрод. 17. Вьетнам валютаси. 18. Африка мамлакати. 19. Саратондан кейинги Шамсия ойи. 21. Тўқувчилик ашёси. 22. Газ модда. 23. Россия Федерациясидаги вилоят. 24. Энг юқори сифат.

## МУАММОНОМА

Шакл атрофидаги рақамларда XI аср донишманд шоири Юсуф Хос Ҳожиб меросига мансуб ҳикмат яширинган. Уни қуйида таърифлари баён этилиб, рақамларда ифодаланган очқич жавоблари асосида билиб олинг.

**Очқич сўзлар:** 1. Ақл, идрок — 12, 5, 6.
2. Бинокорлик материаллари — 11, 7, 13
3. Халқ оғзаки ижоди тури — 16, 8, 10, 1, 3.
4. Кўчат — 5, 4, 9, 12, 2.
5. Техника экини тури — 14, 15, 17, 1.

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ**




**Газетанинг шу йил 23 июль сонида берилган «Маънавият юлдузлари» бошқотирмасининг жавоблари:**

**Шаклдаги рақам атрофига белгиланган хонадан соат мили йўналишида:** 1. Бухорий. 2. Форобий. 3. Беруний. 4. Рудакий. 5. Бойқаро. 6. Авлоний. 7. Фароғий. 8. Мирхонд. 9. Андалиб. 10. Насимий. 11. Яссавий. 12. Муқимий. 13. Мирхонд. 14. Низомий. 15. Югнакий. 16. Увайсий.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар:** 1. Махмур. 2. Назм. 3. Наср. 4. Тил 5. Бўлис. 6. Довот.

**Ҳикмат: Илм бир хазина бўлса, бу хазина калити — савод.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-809.

1 2 3 4 6